

Малайзия диний келишмовчиликлар тинч йўл билан ҳал этилишини хоҳламоқда



11:30 / 21.01.2019 2423

Малайзиянинг Ёшлар кенгаши президенти БМТнинг ушбу мамлакатдаги Тараққиёт дастурининг ваколатхонасига мактуб йўллаган. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Мактубда Ҳиндистондаги маҳаллий ҳиндулар ва мусулмонлар ўртасидаги диний қарама-қаршиликларга барҳам бериш учун тинч йўл билан ечим топишга чақирилган. Маълумки, 1992 йилда Ҳиндистоннинг Лоуди шаҳрида XV асрга дахлдор мусулмонлар масжиди ёқиб юборилган. Бу, ўз навбатида келишмовчиликларни юзага келтирган ва натижада минглаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган эди. Давлатнинг расмий идоралари аралашгани билан ҳам муаммо ҳанузга қадар ҳал этилгани йўқ. Оқибатда икки дин вакиллари ўртасида ҳамон зиддиятли ҳолат ҳукмронлик

қилмоқда. Малайзия Ёшлар кенгаши бирор нохуш воқеа содир бўлмасидан аввал ҳар икки томонга манфаатли ечим бўлиши мақсадида БМТга мурожаат этиб, масалани тинч йўл билан ҳал этилишини талаб қилган.

Islom.uz портали таҳририяти